

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ 1105-90

2013 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг

2013 йил "20" декабрь даги

484 - сонли буйруғи билан тасдиқланган



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

олий таълим муассасалари таълим йўналиши ва мутахассислиги умумкасбий
ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг ўқув
дастури

Тошкент – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: Муслимов Н.А. - ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори, профессор., п.ф.д.
Эсанбобоев Ф.Т. - ЎзМУ хузуридаги минтақавий марказ директори, п.ф.н.
Саламов Р.С. - ЎзДЖТИ “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси, профессори., п.ф.д.
Керимов Ф.А. - ЎзДЖТИ “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси мудири, профессор., п.ф.д.
Сафарова Д.Ж. -ЎзДЖТИ “Анатомия ва физиология” кафедраси профессори., т.ф.н.
Гаппаров З.Г. - ЎзДЖТИ “Спорт педагогикаси ва психологияси” кафедраси профессори., п.ф.н.
Ю.Ю.Арипов – ЎзДЖТИ хузуридаги тармоқ маркази директори, доцент., п.ф.н.
Акбарова М.М. - ЎзДЖТИ хузуридаги тармоқ маркази бўлими бошлиғи, ф.ф.н.
Тастанов Н.А. -ЎзДЖТИ “Миллий ва халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар: Халмухамедов Р.Д. -ЎзДЖТИ Илмий ишлар бўйича проректор, профессор., п.ф.д.
Кошбахтиев И.А.-ТАТУ “Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси” профессор., п.ф.д.

Ўқув дастурлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Илмий кенгашида тавсия қилинган (2013 йил “28” ноябрь 4-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.

- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.
- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ахборот хавфсизлиги.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Жисмоний тарбия назарияси ва услубиётида инновациялар.
- Валеология асослари.
- Спорт психологияси фанининг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси.
- Хорижий таълим тажрибаси.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Енгил атлетика назарияси ва услубиёти.
- Гимнастика назарияси ва услубиёти.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Жисмоний тарбия” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Жисмоний тарбия” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;

- таълим тизимини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- жисмоний тарбия йўналиши жараёни қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- ижтимоий-гуманитар фанларнинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- жисмоний тарбияда педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- Жисмоний тарбия фанлар диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;

- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш малакаларига эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Жисмоний тарбия» йўналиши бўйича малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни.

I. Умумий тайёргарлик модули.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият куришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва бошқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услугий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули.

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари.

Педагогик тадқиқот методлари.

Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

2.7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари,

мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти

хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиётида инновациялар.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубиётида инновациялар фани ҳақида тушунча. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиётида инновациялар фанининг ўқитишдаги мақсади ва вазифалари. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти фанида “Инновацион технологиялар ва билимларни баҳолаш”. Жисмоний тарбия воситалари. Жисмоний тарбияда қўлланиладиган методлар. Жисмоний тарбиянинг дидактик тамойиллари.

3.2. Валеология асослари.

Валеология фани ҳақида тушунча. Валеология фанининг мақсади ва вазифалари. Саломатлик таърифи, даражалари ва мезонлари. Назарий ва амалий валеология. Валеология – интегратив фан сифатида. Соғлом турмуш тарзи тамойиллари. XXI асрда инсон саломатлигига тажовуз соладиган касалликларни олдини олиш тадбирлари. Саломатлик даражасига ирсий ва ташқи муҳит омилларини таъсири. Саломатликни баҳоловчи валеомерик услублар.

3.3. Спорт психологияси фанининг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси.

Жисмоний тарбия ва спорт психологияси ҳақида тушунча. Реакция ва унинг спорт фаолиятидаги аҳамияти, спортчини техник ва тактик жихатдан тайёрлашнинг психологик асослари, ҳаракат малакаларининг шаклланиш жараёни, спортчини психологик жихатдан тайёрлаш асослари, қобилият, темперамент, характернинг спортчи шахсининг шаклланишидаги роли. Спортчиларда иродавий хусусиятларни тарбиялашнинг психологик асослари, Жисмоний тарбия ўқитувчи шахсининг психологик тавсифи. Катта ва кичик гуруҳлар психологияси ва унинг спорт фаолиятидаги ўрни.

3.4. Хорижий таълим тажрибаси.

Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиётининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатларда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Мамлакатимиз ва дунёдаги ривожланган давлатлар таълим тизимларининг қиёсий таҳлили.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули.

4.1. Енгил атлетика назарияси ва услубиёти.

Ўзбекистон Республикасида енгил атлетикани бугунги ҳолати, муаммолари ва уларни ечими. Янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда енгил атлетика турларини ўқитиш. Енгил атлетикачиларнинг халқаро мусобақалардаги ютуқлари. Енгил атлетика бўйича мусобақа қоидаларидаги янгиликлар мусобақаларни ташкиллаштириш ва уни ўтказиш. Уч босқичли спорт мусобақаларида жамоа вакили вазифасини бажариш.

4.2. Гимнастика назарияси ва услубиёти.

Гимнастика спорт турининг мақсади ва вазифалари. Гимнастика бўйича оммавий мусобақаларни ташкил қилиш ва уни ўтказиш тартиблари. Гимнастика мусобақаларида ҳакамлик қилиш қоидалари. Гимнастика дарсининг тайёрлов, асосий ва якуний қисмларини ўтказиш услублари.

Гимнастиканинг Ўзбекистонда ривожланиш босқичлари. Гимнастика спорт тури бўйича ўтказиладиган халқаро ва Республика мусобақалари. Гимнастиканинг турлари. Гимнастика машқларининг техникаси. Гимнастика дarsi воситаларини ўтиш услубияти.

V. Танлов фанлари модули.

Жисмоний тарбия йўналиши бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва

педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, жисмоний тарбия фанларнинг долзарб муаммолари, шахснинг маънавий камолотини таъминлашда жисмоний тарбия фанларнинг ўрни, жисмоний тарбия фанлар ўқитувчисининг шахсий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва жиҳозланган спорт майдонлари, залларида ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутолаа қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедиа дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутолаа қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
2. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
3. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
4. Замонавий педагогик технологиялар орқали жисмоний тарбия фанини ўқитишни лойиҳалаш.
5. Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
6. Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
7. Эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари.
8. Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари.
9. Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
10. Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
11. Баркамол шахсни тарбиялаш методлари ва йўналишлари.
12. Талабаларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбия жараёни имкониятларидан фойдаланиш.
13. Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.
14. Жисмоний тарбиянинг жамиятдаги асосий функциялари.
15. Жисмоний тарбия ўқитувчисига қўйиладиган талаблар.
16. Таълимни ташхис этиш.
17. Тарбия тамойиллари.
18. Қадимги шарқ мамлакатларида жисмоний тарбия.
19. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти фанининг вазифалари.
20. Шарқ мутафаккирларининг жисмоний тарбия соҳаси бўйича қарашлари.
21. Замонавий Олимпия ўйинларининг қайта тиклашда Пьерде Кубертеннинг тутган ўрни.
22. Қадимги Юнонистонда жисмоний тарбия.
23. Қадимги Римда жисмоний тарбия.
24. Абу Али ибн Синонинг жисмоний тарбия ҳақидаги қарашлари.
25. А.Фитрат ва А.Авлонийларнинг жисмоний тарбия ҳақидаги қарашлари.
26. Жисмоний тарбиянинг жамиятдаги асосий функциялари.
27. Талабалар ўртасида ўтказилаётган “Универсиада” спорт мусобақаларининг Республикамизда тутган ўрни.
28. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари.

29. Жисмоний тарбиянинг умумий функциялари.
30. Жисмоний тарбиянинг воситалари.
31. Жисмоний тарбиянинг махсус функциялари.
32. Жисмоний тарбияни вужудга келишининг асосий омиллари.
33. Спорт курашида мусобақа фаолиятини педагогик назорат ва таҳлил қилиш.
34. Спорт курашида саралаш услублари.
35. Спорт курашида тайёргарликнинг кўп йиллик босқичлари.
36. Енгил атлетика спорт турининг ривожланиш тарихи.
37. Енгил атлетика спорт тури бўйича мусобақа қоидалари ва енгил атлетиканинг моддий-техник таъминоти.
38. Қисқа масофаларга ва ўрта масофаларга югуриш техникасини ўргатиш услубиятлари.
39. Волейбол спорт турининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи.
40. Волейбол спорт тури бўйича мусобақа қоидаси ва ҳакамлик услубияти.
41. Волейбол спорт турининг техникаси ва тактикасини ўргатиш услубияти.
42. Волейбол спорт тури бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш.
43. Баскетбол спорт турининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи.
44. Баскетбол спорт турининг мусобақа қоидаси ва ҳакамлик услубияти.
45. Ўзбек курашининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
46. Гимнастика спорт турининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
47. Гимнастика техникаси ва тактикасини ўргатиш услубияти.
48. Спорт курашида машғулот нагрузкаларининг шиддатини аниқлаш услублари.
49. Паралимпия ўйинлари.
50. Марказий Осиё ўйинлари.
51. Олимпия спорт турларининг ривожланиш тарихи.
52. Замонавий педагогик технологиялар орқали футбол фанини ўқитиш.
53. Футбол дарсларини ташкиллаштириш ва уларни ўтказиш услублари.
54. Футбол назарияси ва услубиёти.
55. Ёш футболчиларнинг мусобақа шароитларини инобатга олган ҳолда техник-тактик ҳаракатларини тайёргарлиги.
56. Ёш футболчиларнинг мусобақа шароитларини инобатга олган ҳолда техник-тактик ҳаракатларининг тайёргарлиги.
57. Спорт курашида саралаш услублари.
58. Спорт курашида тайёргарликнинг кўп йиллик босқичлари.
59. Мусобақа фаолиятини педагогик назорат ва таҳлил қилиш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модуларни ўқитиш жараёнида замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модуларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедиали тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, // Ҳалқ сўзи. 1998., -15 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори-2012б 26 сентябрдаги.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида: (Янги таҳрири) // Ҳалқ сўзи. -2000.- 28 июнь .
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.-2011.-20 майдаги.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурагимиз, ж.7– Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, ж. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И.А Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, ж.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
12. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Ж.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998.
14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. –Т.: 2008.-176 б.
15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.-440 б.
17. Абдуллаев А. Жисмоний тарбия воситалари. Ўқув қўлланма.-Т. 2004.-511 б.
18. Абдуллаев А., Хонкельдиев. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти: Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Т.: ЎЗДЖТИ, 2005—228 б.
19. Адамбеков К., Акпаев Т. Методические рекомендации по организации и работе комплексных научно-методических групп в сборных командах и футбольных клубах. Алматы, 2006. – 88 с.

20. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат-Т: Чўлпон: 2005й. 213 б.
21. Айрапетьянц Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры. Т.: Ибн Сино, 1991.– 160 с.
22. Андريس Э.Р., Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика. Ўқув қўлланма. Т., 1998 й.- 160 б.
23. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. 218 б.
24. Бабич В.И. Культура здоровья как составная часть профессиональной подготовки будущих учителей образовательной отрасли «Физическая культура и здоровье» // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. – Харьков, 2004. - №1. – С 134-139.
25. Бриль М.С. Отбор в спортивных играх. М.: ФиС, 1980. -128 с.
26. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев. Олимпийская литература, 2002. -294 с.
27. Ганиева Ф.В. Баскетбол ўйинининг расмий қоидалари. Т.: 2007. -124 б.
28. Ганиева Ф.В., Исматуллаев Х.А. Мини-баскетбол ўйинининг расмий қоидалари. Т.: 2003. – 15 б.
29. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16
30. Годик М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. М.: ФиС, 1980. – 136 с.
31. Гаппаров З.Г. Спортивная психология: Учебник-Т. Мехридар.2010.- 312 с
32. Гаппаров З.Г. Яккакурашчиларни психологик тайёрлаш Эркин кураш мисолида Т. : Мехридарё. 2010 .
33. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш.- Т. 2005.
34. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002. -218 б.
35. Ефименко А.И. ва бошқалар. Гимнастика дарсининг самарадорлигини ошириш усуллари. Т., ЎзДЖТИ, 1995 , 100 б.
36. Жилкин А.И., Кузмин В.С., Сидурчук Е.В. Легкая атлетика. /Учебное пособие для студентов факультетов физической культуры высших педагогический заведений.-М:Академия,2003.
37. Ишмухаммедов Р.Ж. «Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари» Тошкент: 2000. 161 б.
38. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т. 2008.-14 б.
39. Каримов М.К. Узбекистонда гимнастикани ривожланиш тарихи. услубий қўлланма. ЎзДЖТИ нашриёт бўлими. 2002.. 68-б.

40. Каримов М.К. Упражнения хореографии и художественной гимнастики. Учебное пособие. Т., 2003.

41. Каримов М.К. Хореорарфия машклари ва бадий гимнастика. Ўқув кўлланма. ЎзДЖТИ. Т., 2003.

42. Каримова В.М. Психология. - Т.: Шарқ, 2000.. 210 б.

43. Каримов М.К. Ўзбекистонда гимнастикани ривожланиш тарихи. Услубий кўлланма. ЎзДЖТИ нашриёт бўлими. 2002, 68-б. .

44. Қодиров Б.Ғ. У.Бегимқулов, А.А.Абдуқодиров. «Ахборот технологиялари». Электрон дарслик. 2002, . 213 б.

45. Лутфуллаев М.Х., М.А.Файзиев. «Интернет асослари», СамДУ нашриёти. 2001, 198 б.

46. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика.– Т.: Укитувчи, 2006., 298 б.

47. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2003., 316 с.

48. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник для институтов физ. культуры. – М.; ФиС, 1991.-544 с.

49. Матвеев Л.П. Основы общей теории и системы подготовки спортсменов. К.Олимпийская литература. 1999-390 с.

50. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006, 183 б.

51. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева тахрири остида. – Т.: Молия-иктисод, 2008, 208 б.

52. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. – К.: Олимпийская литература. 2004. – 808 с.

53. Родионов А.В. “ Практика психология спорта ” Тошкент “Lider- pres” 2008 йил

54. Радугина А.А. Педагогика и психология. - Изд. центр Москва, 1999, 418 с.

55. Раҳмонқулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш.- Т., 1998, 224 б.

56. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 2007, 318 с.

57. Рыбакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. – М., 1991(1992). – 128 с.

58. Рыжков В.Н. Дидактика. – Москва, ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 318 с.

59. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б. .

60. Саламов Р.С. Жисмоний маданият назариясига кириш. Талабалар, магистрлар ва мутахассислар учун ўқув кўлланма. Т. ЎзДЖТИ, 2002. - 77 б.

61. Саламов Р.С. Спорт машғулотларининг назарий асослари. Ўқув кўлланма. Т. ЎзДЖТИ, 2005.-238 с.

62. Саламов Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. Ўқув кўлланма. –Т. ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа. 2009.-126 б.

63. Спортивные игры на уроках физкультуры. //Учебное пособие. Под

общ. ред. О.Листова. М.: Академия-Пресс, 2001. - 275 с.

64. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов. «Компютерда лаборатория ишлари». Т. ТДПУ нашриёти. 2002, 143 б.

65. Спортивные игры: Техника, тактика, методика обучения. //Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений. Под. ред. Ю.Д.Железняк, Ю.М.Портнова. М.: Академия, 2004. -520 с.

66. Теория и методика физической культуры. Учебник (под ред. Круцевич Т.Ю. в 2 –х томах. – К.:2003.- 464 с.

Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006, 163 б.

67. Умаров Ж.Х., Умаров М.Н., Эштаев А.К. Оздоровительно-развивающие виды основной гимнастики. Учебное пособие. Т.: 2006, 204 с.

68. Умумий психология. - А.В. Петровский тахрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992, 329 б.

69. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000, 122 б.

70. Футбол. Дарслик. Р.А. Акрамовнинг умумий тахрири остида. Т.: ЎзДЖТИ, 2006

71. Футбол. Учебник. Под общей редакции Нуримова Р.И. Т.: УзГИФК, 2005.

72. Холмуродов Р.И., М.Х., Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т., ЎзРФА «Фан», 2003, 176 б.

73. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994., 236 с.

74. Эштаев А.К. Спорт гимнастикаси машғулотининг назарий асослари (Услужий кўлланма). Тошкент 2009.,

75. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008, 92 с.

76. Юнусова Ю.М. Физическая культура и общеобразовательной школе. Т., УзДЖТИ. 2004.

77. Юнусова Ю.М. Теоретические основы физкультуры и спорта. Т. УзДЖТИ. 2005.

Интернет маълумотлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Аxborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossariy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.bimm.uz
8. www.uz-djti.uz
9. www.ek.uz-djti.uz
10. www.kitob.uz
11. www.press-uz.info
12. <http://www.uforum.uz/>
13. Аxborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
14. <http://www.xabar.uz>
15. www.ziyonet.uz
16. www.edu.uz
17. www.pedagog.uz
18. www.tdpu.uz

Ишлаб чиқилди:

Келишилган:

Олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малақасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий методик маркази директори



У.Ш.Бегимкулов

« 16 » 2013й.

М.У.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва
спорт ишлари вазирининг спорт ишлари
буйича биринчи ўринбосари



Ж.А.Акрамов

« 16 » 2013й.

М.У.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия
институтининг хузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малақасини ошириш Тармоқ маркази
директори



Ю.Ю.Арипов

2013й.

М.У.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия
институтининг ректори



Ш.Х.Исроилов

« 16 » 2013й.

М.У.